

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

№ 22 (1201) 2019 йил 30 май

995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

ISSN 2010-6602

@bank_axborotnomasi

Сайтимизга ўтиш учун QR кодini телефонингиз орқали сканер қилинг



ТАДБИР

Мақсад – чакана бизнесни ривожлантириш

Ўзбекистон Республикаси Миллий банки Бош офиси биносида ОАВ вакиллари учун “Ўзбекистон Республикаси Миллий банкининг чакана маҳсулот ва хизматлари” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда банк томонидан хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, унинг оммабоплигини ошириш ҳамда мижозлар учун қулай бўлган замонавий банк маҳсулотлари тақдим этилаётгани ҳақида сўз юритилди.



Таъкидлаш жоизки, сўнгги икки йил ичида барча соҳалар қатори банк тизими ҳам соф рақобат муҳитида тез суръатларда ривожланмоқда. Бу жараёнда Президентимизнинг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори банкларнинг хизмат кўрсатиш тизими янада тараққий эти-

шида муҳим асос бўлиб хизмат қилаётир. “Ўзмилийбанк” ҳам қарор ижроси доирасида “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиб, унинг асосий йўналиши сифатида чакана бизнесни ривожлантириш белгиланди.

Шу давр мобайнида банкнинг чакана бизнес жараёнларини оптималлаштириш муносабати билан хизматларнинг сифати ва самарадорлигини ошириш,

мижозларнинг эҳтиёжларини қондириш, “Ўзмилийбанк” томонидан аҳолига тақдим этилаётган хизматларнинг амалдаги тартибини модернизация қилиш, шунингдек, банк маҳсулотларининг янги турларини жорий этишга қаратилган қатор чора-тадбирлар қилинди, дея таъкидланди тадбирда.

(Давоми 2-саҳифада)

Қарор ва ижро:

“Ҳар бир оила – тадбиркор”

Мамлакатимизда фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва бунёдкорлик салоҳиятини қўллаб-қувватлаш орқали аҳолига муносиб ҳаёт шароитларини яратиш, жойларда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорларга бўлган эътибор туфайли улар томонидан янги иш ўринлари очиш, барқарор даромад манбаларини яратиш муҳим омилга айланиб бормоқда.



Дарҳақиқат, жорий йилда ташкил этилганига 25 йил тўлайдиган “Трастбанк” хусусий

акциядорлик банки ўтган давр мобайнида молиявий хизматлар бозорига мустаҳкам ўрин

эгаллаб, ўзигагина хос бўлган иш услубини яратиш ва маркетинг сиёсатини муваффақиятли амалга оширишга эришди. Бу фаолият кўламини тобора кенгайтиришда муҳим омил бўлди. Бугунги кунда банк ўзининг 11 та филиали ва 71 та минибанки орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига сифатли банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Банк жойларда аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, бу орқали янги иш ўринларини яратиш, бандликни таъминлаш, ўз меҳнати билан даромад топиш истагида бўлган ҳар бир туман ва шаҳар, жумладан, олис ва табиий-иқлим шароити оғир ҳудудларда фуқароларнинг тадбиркорлик қобилиятларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг истиқболли лойиҳаларини ўз вақтида молиялаштиришга катта эътибор қаратмоқда.

(Давоми 4-саҳифада)

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

2018 йилнинг апрель ойидан бошлаб жорий қилинган тижорат банкларининг мобил иловалари орқали чет эл валютасини жисмоний шахсларга сотиш (онлайн-конверсия) бўйича банк хизмати аҳоли ўртасида тобора оммабоплашиб бормоқда.

Марказий банк маълумотларига кўра, 2018 йил ва 2019 йилнинг 4 ойи ичида жисмоний шахслар томонидан 1,2 млрд. доллар миқдорида чет эл валютаси харид қилинган бўлса, шундан 432,3 млн. доллари ёки 36 фоизи онлайн-конверсия ҳиссасига тўғри келмоқда. Умуман олганда, 2018 йилнинг апрелидан 2019 йилнинг апрелигача онлайн-конверсия хизматининг жами жисмоний шахсларга сотилган валютадаги ҳар ойлик улуши 9 фоиздан 63 фоизгача етди. Бунда, жами харид миқдоридаги онлайн-конверсия улушининг кескин ўсиши асосан жорий йилнинг январь ойидан бошлаб кузатилмоқда.

Яқин йиллар ичида Тошкент шаҳрида пластик карталар ишлаб чиқарадиган завод барпо этилади. Ўзбекистонда ягона бўладиган бу заводнинг бошланғич устав фонди 2 миллион евро миқдорида белгиланди.

“Ягона умумреспублика процессинг маркази” МЧЖ ҚК ва Германиянинг “Veridos GmbH” компанияси ҳамкорликда микропроцессор, контактсиз ва бошқа турдаги пластик карталарни ишлаб чиқариш тўғрисида келишувга эришди.

Бу жараёнда “Veridos GmbH” компаниясининг шахсий маблағлари ва кредит линияси орқали харид қилинадиган юқори аниқликдаги ускуналаридан фойдаланилади. Дастлаб йилига 75 миллион дона пластик карточкалар чиқарилади. Завод 2022 йилда тўлиқ лойиҳа қувватига ўтади ва камида 100 мутахассис ишли бўлади. Маҳсулотнинг 20 фоизгача бўлган қисмини экспорт қилиш мумкин.

“Пахтакор” футбол клуби “Эзгу Амал” хайрия жамоат фонди, “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки, “Euroasia Insurance” суғурта компанияси билан ҳамкорликда оғир хасталикка чалинган болаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Футбол – ҳаёт учун” номли акциясини ўтказди.

Акция Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинатининг АГМК клуби билан Суперлига 10-тур учрашуви доирасида ташкил этилди. Акция якунида “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Фурқат Самархўжаев ҳамда “Пахтакор” футбол клуби аъзоси Биродар Абдураимов ёрдам бериш мақсадида очилган рамзий карточкаларни хасталикка чалинган Полина Гарифуллина ва Жавоҳир Пардаевларга топширдилар.

УШБУ СОНДА

ҚОҒОЗ ШАКЛИДАГИ
МАЪЛУМОТ
АЛМАШИНУВИДАН
БУТКУЛ ВОЗ КЕЧИЛАДИ

2

ЭКСПОРТГА
ХИЗМАТ
ҚИЛАЁТГАН
САРМОЯЛАР



4

РЎЗА
ТУТИШ
ОДОБИ



8

Италиялик ҳамкорлар билан истиқболли лойиҳалар

Ўтган ҳафтада Рим шаҳрида Италия наслчилик уюшмаси вакиллари ҳамда Ўзбекистон қуёнчилик агрофирмалари вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик учрашуви бўлиб ўтди. У "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки ташаббуси билан Ўзбекистоннинг Италиядаги элчихонаси кўмағида ташкил этилди.



Учрашувда италиялик мутахассисларнинг наслчилик генетики ва селекцияси соҳасидаги ютуқлари бутун дунёда тан олинганлигини инobatта олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг ушбу мамлакат вакиллари билан ҳамкорлиги самарали бўлиши алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, учрашув давомида Италия наслчилик уюшмаси президенти Роберто Ночентини ва "Микрокредитбанк" АТБ Бошқарув раиси Отабек Алмарданов ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Ушбу меморандумнинг бош мақсади – қуёнчилик соҳаси генетикиси бўйича ҳамда қуёнларнинг янги наслларини етказиб бериш борасида ўзаро ҳамкорлик қилишдан иборат.

Шунингдек, ташриф давомида Ўзбекистон қуёнчилик агрофирмалари вакиллари Италия

қуён етиштирувчилар уюшмаси (ANCI) генетика марказида ҳам бўлишиб, марказ раҳбарияти билан музокаралар олиб борди. Унда Ўзбекистонда қуёнчилик генетикиси марказларини ташкил этиш, марказ фаолиятини йўлга қўйишда эътиборга олиниши зарур бўлган жиҳатлар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистонда генетика марказини ташкил этишда Италия генетика маркази мутахассисларини тақлиф қилиш, уларнинг бу соҳадаги тажрибаларини татбиқ этиш орқали мамлакатда қуёнчилик саноатининг кластер услубини шакллантиришга замин яратиш кўзда тутилган.

Музокараларда яқинда 500 бош зотли қуён харид қилиш ва Ўзбекистонга олиб келиш бўйича дастлабки шартномалар имзоланди.

finance.uz

Қоғоз шаклидаги маълумот алмашинувдан буткул воз кечилади

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан фуқароларга давлат хизматларини кўрсатишда яратилган янгиликлар ҳамда жорий қилинган интерактив хизматларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда мутахассислар томонидан тизимда жорий этилган ҳамда режалаштирилган интерактив хизматлар хусусида маълумот берилди. Таъкидлаш жоизки, тизимга ахборот технологияларини жорий қилиш, соҳада инсон омилини минималлаштириш, шаффофликни таъминлаш, ортиқча вақт сарфи ҳамда пенсия ва нафақа олувчиларнинг овозгарчиликлари камайтирилмоқда.

Жумладан: АТ "Халқ банки" билан пенсия ва нафақа олувчиларнинг тўлов қайдномаларини юбориш, тўланган (тўланмаган) пенсия ва нафақалар тўғрисида маълумот алмашиш фақат электрон шаклда амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида тўлов қайдномаларини сохталаштириш олди олиниб, пенсия ва нафақа тўловлари устидан кунлик назорат юритилди.

Шунингдек, амалиётга жорий қилинган "SMS-pensiya" хизмати орқали фуқароларга уларнинг пенсия миқдорлари, Халқ банки орқали тўлов амалга оширилганлиги ёки банк пластик карталарига пенсиялар юкланганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони асосан оширилган пенсиялар тўғрисида СМС хабарларни олиш имконияти яратилди. Жами пенсия ва нафақа олувчининг 54 фоизи мазкур хизматдан фойдаланишмоқда.

Шу билан бирга ҳозирги кунда пенсия ва нафақа олувчиларга янги интерактив хизмати ишлаб чиқиляпти. Яъни Пенсия жамғармасининг расмий веб-сайтида пенсионерларга "шахсий кабинет" очилмоқда. Бу орқали пенсия ва нафақа олувчилар ўзларига тайинланган пенсия ва нафақалар миқдори, ҳисобга олинган даври, ҳисобга олинган ўртача ойлик иш ҳақлари тўғрисидаги маълумотларни онлайн тарзда кўриб туришлари мумкин бўлади.

Амалдаги тартибга асосан пенсионерни ишга қабул қилганда корхона раҳбари 5 кун ичида Пенсия жамғармасига буйруқ нухасини тақдим этиши ва иш жойидан пенсия тўловини амалга ошириши шарт. 2019 йил сентябрь ойидан бошлаб, пенсионерни ишга қабул қилганлиги тўғрисида Пенсия жамғармасига буйруқни фақат электрон шаклда хабар юбориш имконияти яратилади. Бу орқали қоғоз шаклида маълумот алмашинувдан буткул воз кечилади.

Шунингдек, Халқ банкнинг жамағариб бориладиган пенсия тизими билан ахборот алмашинуви йўлга қўйилди ва пенсионер Халқ банкга пенсияга чиққанлиги тўғрисида маълумотномани талаб қилиш амалиёти бекор қилинади. Бундан ташқари, ҳар бир пенсия ва нафақа олувчи фуқарога ID-card берилиши режалаштирилган. Бу карта пенсия гувоҳномаси ўрнида ҳам фойдаланилади ҳамда пенсияларини олиш вақтида паспорт ўрнига шахсини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. Шунингдек, метрополи-тен, авиа ва темир йўл чипталари сотиб олишда имтиёзлардан фойдаланишда ҳам қўлланилади.

Малика ПЎЛТОВА

Мақсад – чакана бизнесни ривожлантириш



(Бошланиши 1-саҳифада)

– Бугунги кунда чакана бизнеснинг барча йўналишлари бўйича лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда, – деди "Ўзмиллийбанк" Чакана бизнес департаменти директори Иқбол Мамажонов. – Жумладан, банкмиз томонидан мижозларга қўлайлик яратиш мақсадида пластик карталарнинг турли йўналишдаги амалиётга жорий этилмоқда. Бунга мисол сифатида, Visa International халқаро тўлов тизимининг карталарини айтиш мумкин.

Маҳаллий ва халқаро карточкалар бизнес бозорининг ривожланиш тенденцияларини ўрганиб чиқиш ва бунинг асосида олинган маълумотлар кўра, Visa карталарини 3D Сесиге хизматига улаш хизмати ишга туширилди. Бу эса "Ўзмиллийбанк" мижозларига Интернет тармоғида хавфсиз тўловларни амалга ошириш имконини берди.

Шунингдек, банк томонидан халқаро Visa пластик карталарини миллий валютада чиқариш лойиҳаси амалга оширилди. Ушбу карта мижозларга картани одатдаги

дек АҚШ долларида эмас, балки сўмда тўндириш имконини берди. Шу билан бирга, конверсия карталари билан бўлгани каби, конвертация қилишнинг ҳождати йўқ. Товар ва хизматлар учун ушбу карта билан тўлов амалга оширилган вақтда, чет элда ёки Ўзбекистон ҳудудида савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарида, Visa карта орқали тўловни қабул қилган терминалда ёки Интернетда маблағлар автоматик равишда конверсия қилинади.

Булар қаторида 2019 йил 1 февралдан амалиётга киритилган "Миллий банк-МАК" кобренд карталари энг йирик лойиҳалардан бири бўлди. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси билан ҳамкорликда чиқарилган Visa Gold ва Visa Platinum халқаро карточкалари ўз эгаларига "UzAirPlus" дастури асосида картадан тўловларни амалга ошириш орқали миля тўплаш имконини беради. Йирилган



милялар "UzAirPlus" дастури қоидалари доирасида, бепул авиачипта, хизмат кўрсатиш классини ошириш ва бошқа хизматларга алмаштирилиши мумкин.

Шунингдек, банк томонидан аҳолига масофавий хизматлар кўрсатишни ташкил этиш мақсадида "Интернет банкинг, мобил банкинг, СМС банкинг" каби замонавий хизматлар жорий этилмоқда. Биргина банкнинг Milliy мобил иловаси орқали 200 дан зиёд турли хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилгани банкнинг бу борадаги ишла-

ри салмоқли эканидан далолатдир. Жумладан, илова орқали картадан картага пул ўтказиш, миллий ва хорижий валюталардаги омонатларни очиш, исталган банк онлайн конверсиясини амалга ошириш (сотиб олиш ва сотиш), коммунал тўловлар ва бошқа хизматлар учун тўловларни амалга ошириш имконини мавжуддир. Айни дамда мазкур хизматлардан 126 мингдан ошиқ аҳоли фойдаланиб, илова орқали кунига 100 млн. сўмдан ортиқ пул айланмаси амалга ошириляпти. Агар банк мижозларининг кун сайин ортиб боришини инobatта олсак, бу рақамлар янада ўсиши тахмин қилинмоқда.

Қолаверса, мижозлар учун Milliy банк мобил иловасида омонатни масофадан туриб очиш имконияти ҳам яратилган. Мазкур онлайн омонатларнинг афзаллиги шундаки, унда ҳужжат расмийлаштириш эҳтиёжи йўқ. Шунингдек, баъзи омонат шартларида омонат мобил илова орқали очилганда, мижоз банкка ташриф буюриб расмийлаштирганидан кўра юқори фойз ставкаси белгиланган.

Бобур МУҲАММАДИЕВ

Марказий банк томонидан банк қонунчилиги ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни бузганликларини учун тижорат банкларига нисбатан қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисидаги низом янги боб билан тўлдирилди (23.05.2019 йилдаги 622-9-сон рўйхат рақами). Тузатишлар 3 ойдан кейин кучга киради.

Кредит ташкилотларига истеъмолчилар ҳуқуқларини бузганлиги учун жарима солинади



Тижорат банкларининг Марказий банкда депозитга қўйиладиган мажбурий резервлари нормативларига ўзгартиришлар киритилди

Марказий банк Бошқаруви 2019 йил 1 июлдан эътиборан тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга қўйиладиган мажбурий резервлари нормативларига ўзгартириш киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Мажбурий резервларини инструментининг самарадорлигини ошириш ва тижорат банкларини томонидан қисқа муддатли ликвидликни бошқариш шароитларини энгиллаштириш мақсадида 2019 йилнинг 1 июлидан бошлаб мажбурий резерв нормативларига қуйидаги ўзгартиришлар киритилмоқда:

– тижорат банкларининг Марказий банкда резерв сифатида шакллантириладиган миллий валютадаги депозитлари учун 4 фоиз ҳамда чет эл валютасидаги депозитлари учун 14 фоиз

Ҳужжатга банк хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқларини бузганлик учун санкцияни киритдилар. Бу ҳолда жарима миқдорлари қуйидагиларга нисбатан:

- тижорат банкига - банк устав капиталининг белгиланган энг кам миқдорининг 0,1 фоизига миқдорини (амалдаги қийматда 100 млн сўмни ташкил қилади);
- микрокредит ташкилотига – микрокредит ташкилоти устав фондининг белгиланган энг кам миқдорининг 0,1 фоизи миқдорини (амалдаги қийматда 2 млн. сўмни ташкил қилади);
- ломбардга – ЭКИҲнинг 10 баравари миқдорини ташкил этади (амалдаги қийматда 2 027 300 сўмни ташкил қилади).

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинган ва 25.08.2019 йилдан кучга киради.

noqma.uz

миқдорида мажбурий резерв нормативлари белгиланмоқда;

– мажбурий резервларнинг норматив миқдorigа нисбатан 0,25 ўртачалаш коэффициентини ўрнатилмоқда.

Мажбурий резервларнинг норматив миқдорига нисбатан ўрнатилмаётган ўртачалаш коэффициенти Марказий банкка ўтказилиши лозим бўлган мажбурий резерв миқдорининг 25 фоизини банкларнинг вакиллик ҳисобварағида қолдиришга рухсат этилади.

Бунда тижорат банкларининг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи қолдигининг сақлаш давридаги ўртача кунлик миқдори ҳисобланган мажбурий резерв миқдорининг 25 фоиздан кам бўлмалиги керак. Бу, ўз навбатида, тижорат банкларини учун ликвидликни самарали бошқаришга имкон беради.

Мажбуриятнинг валюта тури	Муддати	Янги нормативлар (01.07.2019 йилдан)	Амалдаги нормативлар
Миллий валюта	2 йилдан ортиқ	4%	0%
	1 йилдан 2 йилгача		2%
	бошқа депозитлар		4%
Чет эл валютаси	2 йилдан ортиқ	14%	0%
	1 йилдан 2 йилгача		7%
	бошқа депозитлар		14%

Ислом тараққиёт банки "Обод қишлоқ" дастурини молиялаштиради

Ислом тараққиёт банки ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи жамғармалари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ҳукумат қарорини қабул қилинди (428-сон, 23.05.2019 й.). Бу ҳақда "Ҳуқуқий ахборот" канали маълум қилган.

Қарор билан Ислом тараққиёт банки ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи жамғармалари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича Ҳаракатлар режаси тасдиқланди.

Ҳаракатлар режаси доирасида "Обод қишлоқ" дастурини молиялаштиришга Ислом тараққиёт банки жалб этилади.

Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент ахборот технологиялари университети ва Ислом тараққиёт банки ўртасида Меморандум имзоланади.

Ислом хусусий секторини ривожлантириш корпорациясининг Ўзбекистонга ташрифи ташкил этилиши ва ҳамкорлик

кенгайтирилади.

2019–2021 йилларда Ислом тараққиёт банки билан жами қиймати 2 млрд 42 млн доллардан кўпроқ миқдордаги 17 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. Жумладан, "Бишкек–Душанбе–Термиз" автомобиль йўли реконструкция қилинади.

Араб мувофиқлаштириш гуруҳи жамғармалари 12 та лойиҳани амалга оширади, мазкур лойиҳаларнинг қиймати 1 млрд доллардан кўпроқ.

Ўзбекистонда нейрохирургия хизматини юқори технологик тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш ушбу лойиҳалар қаторидан жой олган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНКЛАРИДА ДЕПОЗИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 19 мартда 2711-4-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон "Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/11-сон қарори (рўйхат рақами 2711, 2015 йил 26 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 34-сон, 460-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларига депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси
Тошкент ш.,
2019 йил 23 февраль,
4/11-сон.

М. НУРМУРАТОВ

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2019 йил 23 февралдаги 4/11–сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси банкларига депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар

- 154-банддан "ва муҳри (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган" деган сўзлар чиқариб ташлансин.
- 192-банднинг саккизинчи хатбошисидан, "муҳр (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)" деган сўзлар чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

БАНКЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 12 мартда 2014-15-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон "Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 15 августдаги 23/3-сон қарори (рўйхат рақами 2014, 2009 йил 8 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 447-модда) билан тасдиқланган Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси
Тошкент ш.,
2019 йил 23 февраль,
4/12-сон.

М. НУРМУРАТОВ

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2019 йил 23 февралдаги 4/12-сон қарорига
ИЛОВА

Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

- 49-бандда:
1-кичик банддан "ва уларнинг муҳрлари билан (муҳрлар мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган" деган сўзлар чиқариб ташлансин;
11-кичик банддан "(нотариал тартибда ёки бошқа усулда тасдиқланган)" деган сўзлар чиқариб ташлансин.
- 114-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:
"имзо намуналари қўйилган карточка".

Қарор ва ижро:

“Ҳар бир оила – тадбиркор”



(Бошланиши 1-саҳифада)

Хусусан, банк томонидан оилавий бизнесни ривожлантириш ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аҳолига тадбиркорлик фаолиятини бошлашлари учун жорий йилнинг 1 май ҳолатига кўра, жами 35 млрд. сўм миқдорда имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Мазкур маблағларнинг 2 711 млн. сўми насли қорамолчиликни ривожлантиришга, 1 295 млн. сўми паррандачиликка, 1 870 млн. сўми қўйчиликка, 45 млн. сўми эчкичиликка, 668 млн. сўми асаларичликка, 311 млн. сўми балиқчиликка, 207 млн. сўми кўнчиликка, 6 487 млн. сўми тикувчиликка, 434 млн. сўми хунармандчилик соҳасига, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасига 13 108 млн. сўм, шунингдек, иссиқхона қурилиши учун 1 387 млн. сўмлик маблағлар аҳолини тадбиркорликка жалб этиш мақсадларига йўналтирилди. Пировардида республикамиз ҳудудларида оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчи янги корхоналар ташкил этилиб, аҳолининг бандлик даражаси оширилди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2018 йил 7 июндаги “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги ва 2019 йил 7 мартдаги “Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ, аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида банк филиалларида маҳалла ходимлардан иборат шўъбалар ташкил этилди.

Давлат дастури ижросини таъминлаш ва белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, жорий йилнинг март-май ойларида Андижон, Қашқадарё, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида истиқомат қилувчи аҳолини боқимандалик кайфиятидан чиқариш, ўз бизнесини

бошлаш истагида бўлган кам таъминланган 403 нафар жисмоний шахсга жами 3.6 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Бу борада “Трастбанк” хусусий акциядорлик банкнинг Фарғона филиали томонидан ҳам мазкур қарорлар ижросини таъминлаш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, банк ходимлари вилоят аҳолисини тадбиркорликка кенг жалб қилиш мақсадида, Фарғона шаҳрининг “Хувайдо”, “Табассум”, “Киргули” ва “Совурбулоқ” маҳаллаларидаги жами 3806 та хонадонда бўлишиб, “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида ўз бизнесини бошламоқчи бўлган оилаларга имтиёзли кредитлар ажратмоқда.

Тиккан чевар эмас,
бичган – чевар

Фарғона шаҳридаги “Табассум” маҳалла фуқаролар йиғини раиси О.Набиев доимо маҳалла аёллари билан суҳбатда, Марғилоннинг машҳур ипагию, сержило атлас ва адрас матоларидан кийим-кечаклар тикиш учун тикувчилик цехи яратилса айни муддао бўлишини таъкидларди.

Маҳалла хотин-қизларининг орзуси ушалиб, Фарғона шаҳар ҳокимлигининг амалий ёрдами тўғрисида бўш турган бино таъмирдан чиқарилди. “Трастбанк”нинг



Фарғона филиали “Табассум” маҳалла фуқаролар йиғини раиси таклифини қўллаб-қувватлаган ҳолда вилоятда янги тикувчилик цехини ташкил этиш ва тикув машинаси харид қилиш учун 200 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратди. Натижада айни пайтда вилоятда янги тикувчилик цехи ишга туширилиб, 10 та янги иш ўрни яратилди.

– Тикувчилик соҳасида етарли тажрибам бор эди. Аммо муқим ишга эга эмасдим. Мана маҳалламизда янги цех ишга тушиб, ишли бўлди. Бундан жуда мамнунман. Ҳозирда янги лойиҳаларимиз асосида кийим-кечаклар тикилмоқда. Бунинг учун миллий матоларимиз бўлган атлас ва адраслардан фойдаланган ҳолда аёлларимиз учун турли либослар ишлаб чиқараяпмиз. Арзон ва сифатли, дид билан тайёрланган миллий либослар албатта ёшларга, уларнинг ота-оналарига ҳам маъқул бўлмоқда. Келгусида эса маҳсулотларимизни жаҳон бозорларига ҳам олиб чиқиш ниятимиз бор, – дейди қувонч билан тикувчи Саодат Холматова.

Жўжани кузда
санаймиз

Парранда – етти хазинанинг бири, ҳафсала қилган ҳар қандай одам бу беназир бойликнинг қалитини кўлга киритиши муқаррар. Ўз оиласи ва атрофидаги одамларни ризқ-насиба билан таъминлашга ҳисса қўшиш эса савобли юмудир. Чунки халқимизда “Етти хазинанинг бири”, дея ном олган товук парваришlash кони фойда ҳисобланади. Ахир уни боққан хонадонда гўшт ва тухум муаммоси бўлмайди. Қолаверса, бундай хонадонлар ўз эҳтиёжидан орттириб, даромад топишлари ҳам мумкин.

– Мен кўп йиллардан бери тадбиркорлик билан шуғулланишни ўйлаб юрардим, лекин маблағ борасида кимга мурожаат қилишни билмай, бу ишни ташлаб қўйгандим, – дейди фарғоналик Маҳмудбек Тошматов. – “Трастбанк”нинг Фарғона филиали мутахассислари келиб, паррандачиликнинг йўл-ўриқлари

билан бевосита таништириб, 200 млн. сўмлик имтиёзли давр билан кредит беришларини айтишди. Оила аъзоларимиз билан маслаҳатлашиб, банк кредити ҳисобига паррандачиликни йўлга қўйишга қарор қилдик. Мана бугунги кунда оилам билан бирга паррандачилик билан шуғулланиб келаяпмиз. Ўз эҳтиёжларимиздан ортган гўшт ва тухум маҳсулотларини ҳатто, бозорларимизга ҳам топшириб, оилавий даромадларимизни оширишга ҳам эришдик.

Кумушдек тер тўқсанг,
гавхардек дур оларсан

– Юртбошимиз ташаббуси билан “Ҳар бир оила – тадбиркор” Давлат дастурининг қабул қилиниши биз фарғоналиклар учун олижаноб ва эзгу иш бўлди. Чунки ушбу дастурга асосан бўш ер майдонимга иссиқхона ташкил этиб, элюртимиз дастурхони учун помидор ва бодринг етказиб беришни йўлга қўйдим, – дейди хусусий тадбиркор Қаҳрамон Арабжонов.



– Натижада оила аъзоларим ҳам иш билан таъминланди. Қолаверса, фарзандларим ҳам меҳнат қилишга ва ўз вақтларидан унумли фойдаланишга ўрганишди. Бунинг учун албатта бизга имтиёзли кредит маблағлари ажратган “Трастбанк” хусусий акциядорлик банкига ўз миннатдорчилигимни билдираман. Келгусида банк кредитини ўз вақтида тўлаб, иссиқхонани янада кенгайтириб, янги иш ўринларини ташкил қилиш ниятидамыз.

Хулоса қилиб айтганда, “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки томонидан миждозлар билан ишлаш сиёсатининг тўғри йўлга қўйилгани ҳамда иқтисодийётимизнинг истиқболли тармоғи бўлган хусусий тадбиркорлик соҳаси фаол молиявий қўллаб-қувватланиши банкнинг асосий молиявий кўрсаткичлари ҳажмининг муттасил ошишига хизмат қилмоқда. Бу эса иқтисодийётимизнинг барқарор ривожига ва халқимиз турмуш даражасининг янада юксалишида муҳим аҳамият касб этаётгани ҳам эътиборга молик.

Сабоҳат ҲАЙТҚОРИЕВА



“HI-TECH BANK”: ЁШЛАР ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА



“Hi-Tech Bank” хусусий акциядорлик тижорат банки 2010 йил ташкил этилган бўлиб, иқтисодийнинг турли тармоқларида фаолият юритувчи хўжалик субъектларига, кичик бизнес вакилларига, хусусий тадбиркорлар ва аҳолига кенг қўламадаги банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. 2017 йилда банк Марказий банк томонидан берилган лицензияга кўра, ХАТБ даражасига кўтарилиб ўз фаолиятини қайтадан янгилади.

“Hi-Tech Bank” ХАТБда мижозларга замонавий тарзда намунали хизмат кўрсатиш билан бирга ходимлар билан ишлаш ҳам яхши йўлга қўйилган. Айниқса ёшларга бўлган эътиборни, қўллаб-қувватлашни ходимларнинг иш фаолияти, лавозим пиллаполярлари орқали кўтарилишида ҳам кўриш мумкин. Шу боисдан ёшларнинг бу банкка бўлган қизиқишлари баланд. Айни дамда муассасада фаолият юритаётган ходимларнинг 58 фоизини ёшлар ташкил этиши ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Яқинда “Hi-Tech Bank” ХАТБнинг Бош офисида ёш кадрлар билан бўлиб ўтган давра суҳбати ҳам айнан “Ёшлар – келажагимиз” мавзусига бағишланди. Тадбирда банкнинг ёш раҳбар ва ходимлари, танлов асосида шартнома бўйича банкка ишга қабул қилинган олий ўқув юрларининг истеъдодли талабалари қатнашди.

Нодира БАКАЕВА,
Ходимлар билан ишлаш бўлими бошлиғи:

– Мамлакатимизда ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 14 сентябрда “Ёшларга оид дав-

лат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни, 2017 йил 5 июлда “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони мамлакатимизда ёшларга бўлган катта эътиборни кўрсатиб турибди. Бундай ғамхўрликни бугунги кунда ёшларнинг билим олиши, ишлаши ва ҳордиқ чиқаришларига яратилган кенг шароитлардан ҳам билиш мумкин. Бу ғамхўрликлар самараси улароқ ёшларимиз ҳам ўз билими, гўзал ҳулқу атвори ва ўз иши ва ватанига меҳр-муҳаббати билан жавоб бермоқда. Жамоамизда фаолият юритиб келаётган ана шундай фаол ёшлардан бири – Алижон Абдурахмоновдир. Уни доим фахр билан тилга олиш мумкин.

Алижон АБДУРАҲМОНОВ.
Касса амалиётлари ва нақд пул муомаласи бўлими бошлиғи:

– Аввало, шу кунларда турли синовлардан ўтиб, банкимизга эндигина ишга қабул қилинган ёшларни чин дилдан қутлайман. Уларга келгуси фаолиятида улкан муваффақиятлар тилаб, жа-

моада ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлиб, ўз касбининг моҳир эгаси бўлиб етилмоқда, деган умиддаман.

Мен ҳам шулар каби 2010 йили Сергели тумани Политехника касб-хунар коллежини тамомлаб, банкда курьер сифатида иш бошлаганман. Орадан бир йил ўтиб девонхонада иш юритувчи, сўнгра Кредит амалиёти бошқармасида 2 тоифали мутахассис лавозимида фаолият юритдим. Иш давомида банк соҳасидаги билимимни ривожлантириш кераклигини ўйлаб қолдим. 2012 йилда Тошкент Давлат иқтисодий университетининг “Иқтисодий” факультетига ўқишга кирдим. Ўқиш билан бирга “Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлар” бошқармасида “Кечки касса назоратчи бухгалтер” лавозимида ишимни давом эттирдим. Ўқишларни муваффақиятли тугатиб, яна сеvimли ишхонамга қайтдим. Озми-кўпми банк соҳасида тажриба тўпладим. Эндиликда “Касса амалиётлари ва нақд пул муомаласи” бўлимини бошқаряпман.

Нодира БАКАЕВА:

– Алижон, айтингчи, мана шу ёшлар сиз каби ўз ишининг устаси, яхши мутахассис бўлишлари учун нималарга эътибор беришлари керак?

Алижон АБДУРАҲМОНОВ:

– Иш бошлаганда унинг катта-кичигига эътибор бермасдан, сидқидилдан бажармоқ керак. Катта ускуна ҳам майда-майда деталлардан иборат бўлганидек, банк ишининг ҳам майда деталлари бор. Уларни яхши ўрганмасдан катта ускунани ишлата олмайсиз. Яъни банк иши ўзига хос мурраккаб жараён бўлиб, ҳар бир жараён турли кичик жараёнлар мажмуидан ташкил топган. Айтмоқчиманки, берилган ҳар қандай вазифага масъулият, меҳр билан ёшдошмоқ лозим.

Нодира БАКАЕВА:

– “Hi-Tech Bank” ХАТБ раҳбарияти томонидан олий ўқув юртининг юқори курс талабалари орасидан танлов асосида истеъдодли ёшларни шартнома асосида банкда ишлашлари-

га имконият яратилмоқда. Бу йил иқтисодий йўналишдаги нуфузли олийгоҳларда таҳсил олаётган 30 нафар талаба ўртасида 3 босқичли танлов асосида 10 нафардан ортиқ талаба банкка ишга қабул қилинди.

Шу даврада ишга янги қабул қилинган ёшларимиз ҳам қатнашмоқда. Ишга янги қабул қилинган ёшларни чин дилдан қутлайман. Уларга келгусидаги ишларида улкан муваффақиятлар тилайман.

Сатторий Файзуллоҳ АБДУЖАБОР ўғли,

Тошкент Молия институти, “Молия” факультети 4-курс талабаси, Ислон Каримов номидаги давлат стипендияси соҳиб:

– “Hi-Tech Bank” жамоасида ишлаш назарий билимларимни амалиётда синашда қўл келади, деб ўйлайман. Келгусида биз ҳам етакчи ва моҳир мутахассислар бўлиб етишамиз, деб умид қиламан.

Дилдора ҒАНИЕВА,

Тошкент шаҳридаги INXA университети “Компьютер инженеринг” факультети 3-курс талабаси:

– 30 нафар талабгор ичида голиб келиш осон кечмади, албатта. Танловда банк соҳасидаги билимлар, жумладан, банк терминологияси ва ҳисоб-китоблар бўйича, шунингдек, психологик тайёргарлик даражамиз синалди. Танловнинг 3-босқичида банк мавзусидаги тақдимотни намойиш қилдик ва бу барчага бирдек маъқул бўлди.

Нодира БАКАЕВА:

– Ҳукуматимиз томонидан ёшларнинг билим олиши, тажриба ошириши, иш билан таъминланиши, ҳаётда ўз ўринларини топиши мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу хайрли ҳаракатлар бежизга эмас. Сиз ёшлар бизнинг келажагимиз, эртанги кунимиз эгалари, хайрли ишларни давом эттирувчисиз. Ўйлаймизки, сизлар ишончимизни оқлайсизлар.

Суҳбатни Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА ёзиб олди.



Экспортга хизмат қилаётган сармоялар

Бугунги кунда юртимизда турли соҳаларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун кўплаб жамғармалар ташкил этилган. Ана шундай жамғармалардан бири – Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасидир.



Мазкур жамғарма ташкил этилганига бир йил бўлган бўлса-да, шу давр мобайнида Жамғарма фермер хўжаликлари, томорқа ер эгалари ҳамда "Томорқа хизмати" МЧЖларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида салмоқли натижаларга эришди. Бу ҳақда Жамғарма марказий аппарати мутахассиси Хуршид Исроилов бизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

– Маълумки, Жамғарманинг асосий мақсади фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари ҳамда "Томорқа хизмати" МЧЖларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдан иборат бўлиб, шу мақсадда "Агробанк", Халқ банки ҳамда "Микрокредит-банк" билан ҳамкорликда қатор лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Ҳамкорлик доирасида Жамғарма томонидан фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига 3 йил муддатга, шу жумладан, 1 йилгача имтиёзли давр билан йиллик 7 фоиз ставкада кредитлар бериш учун мазкур банкларга ресурслар жойлаштирилган.

Агар натижаларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2018 йил ва жорий йилнинг 1-чораги давомида томорқа ер эгалари, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда "Томорқа хизмати" МЧЖларга Жамғарма томонидан жами 221,4 млрд. сўм маблағ ажратилди. Бу маблағларнинг 166,6 млрд. сўми (75%) томорқа ер эгаларига 7% ли имтиёзли кредит сифатида берилди. Шуниси эътиборлики, мазкур имтиёзли кредитларнинг 1 518 таси кам таъминланган оилаларга расмийлаштирилгани ҳисобига 10 100 дан ортқ иш ўринлари яратилди. Бу эса юзлаб кам таъминланган оилаларнинг хонадонига файз-барака киришига сабаб бўлди.

Жамғарма айниқса, аграр соҳамизнинг таянчи бўлган фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларга ҳар томонлама кўмак бериш борасида ҳам эътиборга молик ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, бугунги кунга қадар 46 та фермер хўжалигига 14,5 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди. Мазкур сармоялар ҳисобига фермер хўжаликлари томонидан бир қатор лойиҳалар амалга оширилди. Бу ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш янада ошишига замин яратди.

Жамғарманинг яна бир муҳим йўналиши – бугунги кунда ҳудудлар инфратузилмасининг ривожланиши



га ижобий таъсир қилаётган "Томорқа хизмати" МЧЖларни қўллаб-қувватлашдир. Жамғарма томонидан шу кунга қадар республика бўйича 47 та "Томорқа хизмати" МЧЖ моддий кўмак берилиб, уларга жами 40,3 млрд. сўм маблағлар ажратилди. Жумладан: айланма маблағларга муҳтож бўлган "Томорқа хизмати" МЧЖларнинг устав фондиди 25 фоиздан кам бўлмаган миқдорда шакллантиришга 16,3 млрд. сўм, моддий-техника базани мустақамлаш, қишлоқ хўжалиги техникаси ва транспорт сотиб олиш, иссиқхоналарни қуриш учун материаллар ва бутловчи қисмлар харид қилишга 24 млрд. сўм йўналтирилди. Мазкур маблағларга 17 та қишлоқ хўжалиги техникалари, 25 та ҳар хил турдаги мотокултиваторлар, қуриш ускунаси, 63 та аҳоли хонадонларига хизмат кўрсатиш учун бошқа техникалар сотиб олинди, уч "Томорқа хизмати" МЧЖ томонидан жами 750 тонна сизимга эга турли музлатгичли омборхоналар қурилган.

Бундан ташқари Жамғарма қўллаб-қувватланган "Томорқа хизмати" МЧЖлар томонидан асосий фаолияти бўйича жами 53,5 мингта хонадонларга товарлар етказиб бериш ҳамда иш, хизматлар кўрсатиш учун 5,3 млрд. сўм маблағлар сарфланган ва натижада 20,4 мингта хонадонга 139,8 тонна ҳар хил турдаги уруғлар, 42,4 мингта хонадонга 245,4 минг дона ҳар хил турдаги кўчатлар, 1,8 мингта хонадонга 75,0 тонна минерал ўғитлар етказиб берилган ҳамда 2,1 мингта хонадонларнинг 249,9 гектар ер майдонлари экинлар экиш учун ҳайдаб берилган.

Жамғарма томонидан улуш ва кредит ажратилган "Томорқа хизмати" МЧЖлар томонидан жами 11,5 мингта тузилган шартномаларга асосан аҳоли томорқаларида етиштирилган 1,4 минг тонна ҳар хил турдаги маҳсулотлар харид қилиниб, 522 тонна маҳсулотлар ички бозорларга сотилган ҳамда чет мамлакатларга 2,315 млн. долларлик маҳсулотлар экспорт қилинган.

Рустам ПҮЛАТОВ

"LOBAR-KREDIT" МЧЖ

Рўйхатга олиш рақами: ЎзМБнинг 2013 йил 11 майдэги 57-рақамли лицензияси
Юридик манзил: 100135, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 16-мавзе, 11-уй, 64 хонадон

БАЛАНС ҲИСОБОТИ

2018 йил 31 декабрь ҳолатига кўра

КОД	ТАРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
		АКТИВЛАР	
10	10100	Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари	17 424
20	10500	Банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа маблағлар	7 228
30	16300	Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фойизлар	218 576
50	12401+12405+12409+15701+15705	Кредитлар (микрокредит, микроқарз, истеъмо), брутто	
51	12499+15799	Минус: кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси	
52		Кредитлар, соф (50 код - 51 код)	4 478 870
70	16500	Асосий воситалар, соф	20 125
80	16600	Номоддий активлар, соф	0
90	16701	Бошқа хусусий мулклар	
91	16799	а. Минус: Қўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси	
92		б. Бошқа хусусий мулклар, соф (90 код-91 код)	0
100	19900+16400	Бошқа активлар	400 632
110		Жами активлар (10+20+30+52+70+80+92+100)	5 142 855
		МАЖБУРИЯТЛАР ВА КАПИТАЛ	
		МАЖБУРИЯТЛАР	
210	21400+21800	Тўланиши лозим бўлган кредитлар ва қарзлар	0
220	22100	Лизинг бўйича мажбуриятлар	0
230	22400	Тўланиши лозим бўлган фойизлар	0
240	22500	Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар	30 283
250	22800	Муддати узайтирилган даромадлар	0
260	29800	Бошқа мажбуриятлар	232 026
270		Жами мажбуриятлар (210+220+230+240+250+260)	262 309
		КАПИТАЛ	
310	30301	Устав капитали	1 000 000
320	30903	Умумий захира фонди	150 000
330	30905	Текинга олинган мулклар	0
350	31203	Тақсимланмаган фойда	0
360	30908	Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси	30 188
370	(40000-50000) +/-31206	Жорий йил фойдаси (зарар)	3 700 358
380		Жами капитал (310+320+330+350+360+370)	4 880 546
390		Жами мажбуриятлар ва капитал (270+380)	5 142 855

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТИ

2018 йил 31 декабрь ҳолатига кўра

КОД	ТАРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
		1. ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР	
110	40400	Банклардаги депозитлар бўйича фойзли даромадлар	0
120	42000	Жисмоний шахсларга берилган микроқарзлар бўйича фойзли даромадлар	3 641 544
160	44700+44900	Бошқа фойзли даромадлар	0
170		Жами фойзли даромадлар (110+120+160)	3 641 544
		2. ФОИЗЛИ ХАРАЖАТЛАР	
210	50600	Жалб қилинган қарз маблағлари бўйича фойзли харажатлар	0
220	53101	Банклардан олинган кредитлар бўйича тўланиши лозим бўлган фойзли харажатлар	0
230	53105+53196	Бошқа кредиторларга тўланиши лозим бўлган фойзли харажатлар	0
240	54400	Лизинг (микролизинг) бўйича фойзли харажатлар	0
250	54900	Бошқа фойзли харажатлар	0
260		Жами фойзли харажатлар (210+220+230+240+250)	0
310		3. КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА ҚЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР (170-260)	3 641 544
320	56802+56842	Минус: Кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	
330		Кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарлар баҳолагандан сўнг соф фойзли даромадлар (310-320)	3 641 544
		4. ФОИЗСИЗ ДАРОМАДЛАР	
410	45201	Хизматлар ва бошқа воситачиликдан олинган даромадлар	0
440	45900	Бошқа фойзсиз даромадлар	1 121 313
450		Жами фойзсиз даромадлар (410+440)	1 121 313
		5. ФОИЗСИЗ ХАРАЖАТЛАР	
510	55106	Кўрсатилган хизматлар ва воситачилик харажатлари	31 543
520	55900	Бошқа фойзсиз харажатлар	4 803
530		Жами фойзсиз харажатлар (510+520)	36 346
600		6. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРГАЧА СОФ ФОЙДА (330+450-530)	4 726 511
		7. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР	
710	56100	Ходимлар иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар	319 369
720	56200	Ижара ва таъминот харажатлари	38 020
730	56300	Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	0
740	56400	Маъмурий харажатлар	14 780
750	56500	Репрезентация ва хайрия	6 912
760	56600	Эскириш харажатлари	24 403
770	56700	Сугурта, солиқ ва бошқа харажатлар	17 224
780		Жами операция харажатлар (710+720+730+740+750+760+770)	420 708
800	56800-56802-56842	8. КРЕДИТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ҚЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШ	0
900		9. ФОЙДА СОЛИҒИ ВА БОШҚА ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОЙДА (600-780-800)	4 305 803
		10. ФОЙДА СОЛИҒИ	
1000	56902	Фойда солигини баҳолаш	605 445
1100		11. ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН ФОЙДА (900-1000)	3 700 358
1110	Дт 31206 ёки Кт 31206	Фойдагача бўлган тузатишлар, соф *	0
1200		12. СОФ ФОЙДА (ЗАРАР) (1100+1110)	3 700 358

* Изоҳ: жорий йил фойдасидан ҳисобланган дивидендлардан ташқари.


Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 18 февралдаги АФ 57-серияли лицензиясига эга) "FTF-LEA-AUDIT" МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган ва барча муҳим жиҳатлари бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари ва Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган.

Хизматлар лицензияланган.

ИФТИХОР

Ёш кимёгарнинг олтин медали

Ҳар бир олим ўзининг изланишлари, кашфиётлари билан одамлар ҳаётини энгиллаштириш, замон ривожига ҳисса қўшишни ният қилади. Аммо бу ўз-ўзидан кечадиган жараён эмас. Биргина кашфиёт учун бир эмас, балки бир нечта олимлар авлоди ўз умрини бахшида қилиши мумкин. Пировардида эса машаққатли меҳнатлар самарасидан бутун инсоният баҳраманд бўлади.



Жалолиддин Нурмухаммадов Шермухаммад ўғлини ҳам ёшлигидан илм-фанга бўлган қизиқиши уни кимё фанини чуқур ўрганишга етаклади. У Ўзбекистон Миллий университети бакалавр ва магистратурасида ўқиш даврида илмий тадқиқот ишлари олиб бориш, университет профессор-ўқитувчилардан керакли билимларни олишга ҳаракат қилиши, кимё мутахассислиги бўйича олимпиадаларга қатнашиб юқори ўринларга ҳаракат қилиши уни ёш кимёгар олим сифатида жамоага танитди.

Бугунги кунда Ж.Нурмухаммадов томонидан олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари жаҳонда иқтисодий тармоқларини, айниқса қишлоқ хўжалиги, қурилиш, нефть-газ, тиббиёт, фармацевтика соҳаларини ривожлантиришда ҳамда ёнғин хавфсизлиги соҳасида кенг миқёсда ишлатилаётган кимёвий маҳсулотларнинг аксарият қисми мақсадли органик синтез натижасида олинаётган моддалар бўлиб, уларга бўлган эҳтиёж республикамизда тобора ошиб бораётганлиги бозор иқтисодиётининг "талаб ва таклиф" қонунидан келиб чиққан ҳолда жамиятимизда ишлатилаётган органик маҳсулотлар кўламини ошириш ва сифатини яхшилаш орқали халқимизнинг бу соҳадаги эҳтиёжларини таъминлашда меҳнат қилиб келмоқда.

Ж.Нурмухаммадов учун 2017 йил жуда омадли келди. Сабаби у "Металпара-алмашинган феноллар ва β – нафтол ҳосилаларини региоселектив нитрозолаш" мавзусида кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги институти Ёнғин хавфсизлиги масалалари бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар марказида ўзининг илмий фаолиятини давом эттираётган Ж.Нурмухаммадов жорий йилнинг апрель ойида Россия Федерациясида ўтказилган "Всероссийская олимпиада по химии" деб номланган халқаро кимё интернет олимпиадасида 408 нафар кимё ўқитувчилари орасидан 93 фоиз натижа билан биринчи ўринни қўлга киритиб, биринчи даражали диплом ва олтин медаль билан тақдирланди.

Шу билан бир қаторда Ж.Нурмухаммадов ҳамда Ёнғин хавфсизлиги масалалари бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар маркази илмий ходимлари томонидан республикамизда биринчи марта маҳаллий хомашёлар, органик тўлдирувчилар, тайёр ҳамда ярим-тайёр кимёвий маҳсулотлар асосида импорт ўрнини босувчи оловда ёнмайдиغان ва сувда чўкмайдиган, юқори ғовақликка ва ультра энгил кимёвий маҳсулот синтез қилинди.

Ихтиро қилинган кимёвий маҳсулот 11000С° дан юқори ҳароратга чидайди, сувда эримайди, ўта юқори ҳароратда ҳам ис гази ва захарли газсимон моддалар ҳосил қилмайдиган, кам тутунли экологик тоза маҳсулотдир. Ушбу кимёвий маҳсулотнинг яратилиши замирида ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг замонавий асослари яратилса ажаб эмас.

Файзулло НУРҚУЛОВ,
Ёнғин хавфсизлиги институти кафедра бошлиғи, техника фанлари доктори

ЭЪЛОН

Илова

"Микрокредитбанк" АТБ тизимида ахборотлар хавфсизлиги бўйича "Песочница" дастурий-техник воситасини сотиб олиб жорий этиш мақсадида танлов эълон қилади.

Таклифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 5 (беш)

иш куни муддатда қабул қилинади.

Танлов шартлари ва қўшимча маълумотлар учун куйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: 100096, Тошкент шаҳар, Лутфий кўчаси, 14-уй.

Телефон:(0371) 273-37-56, 202-99-99 (ички: 1123, 1119).

ТАНЛОВГА

Оҳим...

Умримнинг қайсидир пиллапояси
Узилиб тушдими учди қабоғим.
Балки бу узлатга кетган кулгимдир,
Анордек кўзлари ёриган оҳим...

Яна сочингизни ёйдингизми, ёр,
Безгак тутгандайин титрайди таним.
Маҳшаргача бизга ҳаловат йўқми,
Умримга тамғами – етолмаганим...

Кўчага чиқаман башанг кийиниб,
Учрашувга илк бор чиққан йигитдек.
Ўттиз етти йилки қайтаман ночор,
Эгасини излаб топмаган итдек...

Зардобдек чакиллаб томади умрим,
Ҳар бир қатрасида – хандон тиканлар.
Шотутдек тўкилиб борар – бағриқон,
Мени ишорасиз англайдиганлар.

Муаллақ яшашга кўникиб бўлдим,
Одамга ўхшашга қолмади чора.
Шарафга кўмилиб борганим сари,
Эгилиб бормоқда бошим тобора.

Деворга суяниб ўтарман энди,
Дунёга суяниш булутдек мубҳам.
Ердек тебранаман қабоғим учса,
Ердек оғирлашиб боряпти шубҳам...



Қирқинчи довонга термулиб,
Ўйлайман: тўрвада нима бор?
Чопқиллаб чиқишга ғайрат йўқ,
Эмаклар боришга қўймас ор.

Қисматим - тўрт дона суратдир,
Оқ-қора, оқ-қора, оқ-қора.
Товонда хиргойи қиламан,
Бошимда чаламан ноғора...

Кўқондан то Тошканга қадар
Ушоқдек сочилган умрим бор.
Кўнгилинг энг чуқур ерида,
Чиройли бир соқов қумри бор...

Одамга ўхшайман баъзида -
Одамга бўламан интизор.
Кўз очсам - дунё бор, кўз юсам -
Уйку бермайдиган бир қиз бор...


Тупроқдек самимий ҳабиб йўқ,
Булутдек омонат дўстлар бор.
Тишлагим келади бармоғим -
Кўзлар бор, кўзлар бор, кўзлар бор...

Отам бор, онам бор - бутунман,
Бағримда бир бахтли аёл бор.
Яхшиям, яхшиям, яхшиям -
Хаёл бор, хаёл бор, хаёл бор...

Қирқинчи довонга термулиб,
Айтаман: дунёда нима бор?
Бахтли кимсаларни ёнида
Одамдек яшашга қўймас ор...

Шухрат ОРИФ

Навоий



Беш асрки сўз айтар дoston,
Беш асрки тинглайди жаҳон,
Беш панжага урилган тугён,
Олам ёди, олам Навоий.

Бани башар бунда ёд этар,
Дил кўшкени сарофроз этар,
Йўли равон хукми соз этар,
Олам ёди, олам Навоий.

Мозийлардан бонг урар ҳақон,
Ҳикмат тўла ҳар жумлада шон,
Титрар бунда тўлғонади жон,
Олам ёди, олам Навоий.

Эй кўнгилинг шарҳ айлаган боғ,
Бу давон дамларин юксалтирган тоғ,
Туркий хатларимни ёритган чирок,
Олам ёди, олам Навоий.

Титрар, тўлғон яшнатиб тургон,
Юракдек депсиниб, кўксимга ургон,
Не ажаб, абддир ҳамон ўша тонг -
Олам ёди, олам Навоий.

Ўйғон-ай минг йиллик чақинлар,
Дилимга гил каби яқинлар,
Сўз айтган тўринур қадларинг -
Эй кескир тилим-а, тилим-а,
Эй кўкси осмоним - элим-а.

Хуш келдинг азалий давроним -
Хуррият, кутганим, иқболим.
Бахтимга эш бўлди замоним,
Эй кескир тилим-а, тилим-а,
Эй кўкси осмоним - элим-а.

Бобомнинг минг йиллик армони,
Момоннинг тош бутган тавони,
Мозийдан кўринур қадларинг -
Эй кескир тилим-а, тилим-а,
Эй кўкси осмоним - элим-а.

Карвонлар тизилар ёшлардай,
Қадди дол, эгилган бошлардай,
Кетиблар борасан қайларга,
Эй кескир тилим-а, тилим-а,
Эй кўкси осмоним - элим-а.

Ҳақ доим қўллаган ватан бу,
Асрлар кутганим ватан бу,
Ўйғоқ бўл ҳар сахар, шом қадар,
Эй кескир тилим-а, тилим-а,
Эй кўкси осмоним - элим-а.



Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ



Барқарорлик белгиси!

S&P Global

Халқаро рейтинг агентлиги 2019 йилда

«ТУРОНБАНК» АТБ

рейтинг баҳосини

«В/В»

даражасида тасдиқлаб, истиқболини

«БАРҚАРОР» дея эътироф этди

www.turonbank.uz

Хизматлар лицензияланган

РАМАЗОН ТУҒФАСИ

РЎЗА ТУТИШ ОДОБИ

Рўза тутиш кишининг тақвосига қуйидагича таъсир кўрсатади:

– Рўза тутувчи киши кун давомида ейиш, ичиш, аҳли аёли билан яқинлик қилиш ва шу каби нафсини роҳатлантирадиган, Аллоҳ таоло ҳаром қилган ишлардан ўзини сақлайди. Бу билан Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилиб, қилаётган амаллари учун савоб умидида бўлади;

– Рўзадор маълум шартларга бинан Аллоҳ таоло билан аҳдлашиб, унга вафо қилаётганини, Аллоҳ таоло эса бандам аҳдига содиқми, ёки йўқми, деб, уни кузатиб турганини ҳис қилади;

– Рўза шайтонларнинг инсонга бўлган таъсирини кесади. Негаки, ҳадиси шарифга бинан шайтонлар инсонларнинг қонлари оқадиган жойда ҳаракатланади. Қон эса таомлар орқали тўпланади;

– Рўзадор тоат-ибодатларни кўпайтиради. Ибодатлар эса тақвони ҳосил қилади;

– Бой киши рўза тутиш орқали очлик ва йўқсиллик аламини тоғиб кўради. Бу эса уни камбағал, йўқсил оилаларга кенглик қилишга ундайди. Бу ҳам тақвони оширадиган унсурлардан ҳисобланади;

– Энг асосийси, Рўза Аллоҳ таоло буюрган фарз ибодат бўлгани учун ҳам уни қилишнинг ўзи тақво ҳисобланади;

– Ибн Масъуд розияллоху анху “Аллоҳ таолога ҳақиқий тақво қилинганлар” (“Оли Имрон” сураси, 102-оят) оятининг тафсирида шундай дейдилар: “Ҳақиқий тақво – Аллоҳга исён қилмасдан итоат қилиш, эсдан чиқармасдан ёд этиш, неъматларига куфр қилмасдан шукр этишдир”.

“Қалба ислом”
канали

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

“Norma Hamkor” МЧЖ

“Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

Ўқтам АБДУЛЛАЕВ

НАШР УЧУН МАСЪУЛ

Бобур МУҲАММАДИЕВ

Реклама ва маркетинг хизмати

Тел: 99897 776 60 18

71 232 45 32

Факс: 71 232 43 98

Нашр индекси-102.

Ахборот кўмағи

ЎЗА

Таҳририят манзили:

100060. Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси,

23-уй e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,

www.banknews.uz телеграм каналимиз

@bank_axborotnomasi

Чоп этишга тайёрловчи: “Moliya yangiliklari agentligi”

МЧЖ

Газета таҳририятнинг техник ускуналарида
сахифаланди.

Таҳририятнинг фақат ёзма розилиғи билан “Банк ахборотномаси” да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмади. Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиғи томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта – пайшанба кунни чиқади.

Буюртма № г 503

Адади 1986 нуска

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмда, 2 шартли босма табақда чоп этилди.
Босишга рухсат этилди: 29.05.2019 й.,

1 2 3 4 5

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент ш. Буюк Турон кўчаси, 41-уй.